

Ўзбекистон Республикаси  
~~ТЕЛЕГРАММА~~

Тошкент. Матбуотчилар кучаси 6 уй. Президент девони. У  
Республикаси Президенти Ислон Каримовга ва Президент х  
судьяларни танлаш, лавозимларга тавсия этиш олий малака комиссияси

Нусхаси: Андижон. Бобир шох кучаси 26-уй. Фукаролик ишлари буйича  
Андижон вилоят суди судяси Рохатой Кодировога

Нусхаси: Фаргона шаҳри. Янги сой кучаси 2 уй. Фукаролик ишлари буйича  
Фаргона вилоят суди раёсатига

Нусхаси: Тошкент. Навоий кучаси 19 уй. «Хуррият» газетаси тахририятига

Нусхаси: Тошкент. А.Навоий кучаси 23 уй. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
саклаш Вазирлигига.

Нусхаси: Тошкент. Сайилгоҳ кучаси 5 уй. Ўзбекистон Республикаси Адлия  
Вазирлигига

Фукаровий жавобгарлар Хабибулло Абдуллаев, Арапова Гуёхон, Мамаражаб  
Акрамов, Ёрмухаммад Акрамов ва уларнинг конуний вакили Муътабар  
Тожибоевалардан

**Иш юритишини тухтатиб туриш ва хизмат текшируви утказиб  
интизомий иш кузгаш, лавозимлардан четлаштириш ҳақида**

**ТАКРОРИЙ АРИЗА - ТАЛАБНОМА !!!**

5 октябрь 2005 йил.

**ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИ АДОЛАТСИЗЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШГА ОТЛАНИНГ!  
Ёхуд рухий касалликлар шифохонасида даволанаётган бемор  
суд психиатрик Экспертизаси хулосасига қура соғлом деб топилди.**

Биз Ушбу мурожаатномамиз билан Сизларга қуйидагиларни билдирамыз:

1. Фукаролик ишлари буйича Андижон вилоят суди раиси Абдурасул Мадрахимовга ва 34 та  
Республика ҳукумати идораларига 29 май куни Арапова Гуёхон, Абдуллаев Хабибулло,  
конуний вакиллари Мамаражаб Акрамов, Ёрмухаммад Акрамов, Муътабар Тожибоевалар  
номидан юборилган назорат тартибидаги шикоятга қўшимча равишда 29 июнь куни назорат  
тартибида шикоят аризага қўшимча ёзиб 20 <sup>100</sup> та яқин ҳукумат идораларига, шахсан Президент  
Ислон Каримовга, Президент ҳузуридаги судьяларни танлаш лавозимларга тавсия этиш олий  
малака комиссиясига ва бошқа нусхалари буюртма хати орқали Республика матбуотлари ва  
ҳукумат идораларига юборилган эди. Абдурасул Мадрахимов 29 май кунги ёзган назорат  
тартибидаги шикоят аризада келтирилган вазиятни атрафлича урганиб чиқмасдан конунга зид  
равишда орадан 3 ой утказиб, 31 август кунги № 5-232, 252-1949 рақамли хат билан жавоб  
бериш билан чегараланди. 29 июнь кунги буюртма хат орқали юборилган назорат тартибида  
шикоят аризага қўшимчамизни назорат тартибида қуриш жараёнида қулида бўлишига  
қарамасдан инobatга олмади. Назорат тартибида қуриш жараёнида шахсан иштирок  
этишимизни сураб ёзган талабномамизни ҳам қаноатлангирмасдан бизнинг иштирокимизсиз  
қурди, жавоб ҳам бермади.

2. Фукаролик ишлари буйича Андижон вилоят судининг раиси Абдурасул Мадрахимов Ушбу  
низолни масала юзасидан Абдуллаев Хабибулло ва Абдуллаева Гуёхонларнинг назорат  
тартибида ёзган шикоят аризаларига 2001 йил 27 сентябрь куни 4-ф-82-672-рақамли  
гайриконуний жавоб хати йуллаган, Иккинчи маротаба жавоб йуллашда биринчи жавобини  
аксини йуллаши умуман мумкин эмас. Шунинг учун ҳам 2001 йил 27 сентябрь кунги юборган  
биринчи гайриконуний жавоб хатидан четга чиқмаган холда 2005 йил 31 август кунги жавоб  
хатини ҳам конунга зид равишда назорат тартибида ёзилган шикоят вазиятини текширмасдан  
жавоб бериш билан чегараланган.)

Соғлиқ Телеражмани рабул қилиш  
КВИТАНЦИЯСИ  
Икдор (наерва қимга)  
Тошкент  
Қилинди: Соғ.  
дан. Ут.  
Сум  
Лидия

1 м - 230

2 м - 286

3. Фукаролик ишлари буйича Андижон вилоят судининг <sup>100</sup> апелляция судлов хайъатига Буз туман прокурори З.Рустамовнинг Фукаролик ишлари буйича Буз туманлараро судининг даъвогар Алимов Хайруллони Акрамов Мамаражаб ва Олтинкул туман хокимлигига нисбатан иморатга нисбатан эгалик хукукини белгилаш тугрисидаги қарорини қисман бекор қилиш, узбошимчалик билан қурилган бинони бузиш ва ердан фойдаланиш чегерасини белгилаб беришликни сураб, ёзган даъво аризасини муҳокама қилиб ушбу давосини қаноатлантириб 24 март 2004 йил кунги чикарилган ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция тартибида келтирилган 2004 йил 14 апрель кунги № 98-03 сонли протест ва жавобгар Мамаражаб Акрамовнинг апелляция шикоятини Фукаролик ишлари буйича Фаргона вилоят судининг <sup>100</sup> апелляция судлов инстанциясида 2005 йил 22 апрель кунини қурилиб 3-2 сонли ажрим чикарилган.

*3 m - 232 ca*

Ушбу ажримда «Фукаролик ишлари буйича Буз туманлараро судининг 24.03.2004 йилдаги даъвогар Алимов Хайруллони жавобгар Акрамов Мамаражаб ва Олтинкул туман хокимлигига нисбатан иморатга нисбатан эгалик хукукини белгилаш тугрисидаги қарорини қисман бекор қилиш, узбошимчалик билан қурилган бинони бузиш ва ердан фойдаланиш чегерасини белгилаш ҳақидаги даъвоси буйича фукаролик иши юзасидан чикарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиниб, ишни янги тдан бошқа суд таркибида қуриш учун биринчи инстанция судига юборишга, апелляция шикоятини ва протести қаноатлантиришга қарор қилинган.

Кейинчалик бизга маълум бўлишича Фукаролик ишлари буйича Фаргона вилоят суди апелляция судлов хайъати ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг уринбосари К.И.Исаров протест келтирибди ва бу иш Фукаролик ишлари буйича Фаргона вилоят суди Раёсатида қурилар эмиш.

Фукаролик процессуал кодексининг 355-моддасида «Тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларнинг иш буйича келтирилган протестнинг нусхасини юборилади. Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишни қуриш вақти ва жойи тугрисида ҳабардор қилинади.

*4 m 27*

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга суд томонидан юборилади. Суд ишни қуриш вақтини тайинлаганида ишда иштирок этувчи шахслар протест юзасидан ёзма тушунтиришларини (эътирозларини) ва қушимча материалларини судга тақдим қилиш имкониятига эга бўлишларини ҳисобга олади» дейилган.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг уринбосари жаноб Исаров ушбу қонун талабларини манфаатдорлик илнжида ута қупол равишда бузиб, қасддан, Алимов Хайруллонинг манфаатларини қузлаган ҳолда узи томонидан қиритилган протестнинг нусхасини жавобгарларга юбормаган. Жавобгарлар факатгина 2005 йил 13 сентябрь кунги ФСХ-404-05 ракам билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди фукаролик ишлари буйича судлов хайъатининг раиси Балқибоева имзо чеккан Ушбу низоли масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суд раисининг уринбосари келтирган протестига асосан раёсатда қуриб чиқиш учун юборилаётганлиги, мазкур фукаролик ишини протест асосида қуриб, чикарилган қарор нусхасини Олий суд фукаролик ишлари буйича судлов хайъатига ва томонларга қонунда белгиланган муддатда юборишингизни сурайман» деб у ҳам жавобгарларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қасддан бузиб, судда ишни қуриш вақтида тарафларни иштирок этиши ва протест билан танишиб, эътирозлари ёки тушунтиришлари, қушимча материалларини судга тақдим қилиш имкониятидан маҳрум қилган.

*5 m 287*

Жавобгарлар 26 сентябрь кунигина Фукаролик ишлари буйича Фаргона вилояти судига ёзма мурожаат қилгандан кейин Олий суди раиси уринбосари Исаровнинг гайриқонуний протестидан нусха олишга эришдилар ҳолос. Протестда «Даъвогар Хайрулло Алимов судга жавобгар Мамаражаб Акрамовга ҳамда Олтинкул туман хокимиятига нисбатан хокимнинг эгалик хукукини бериш ҳақидаги қарорини қисман бекор қилиш, узбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиш ва ердан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво талаблари билан мурожаат этиб, 1999 йил 6 мартда нотариал ҳолда тасдиқлаган олди-сотди шартномасига асосан Олтинкул тумани, Хонбоғи маҳалласида жойлашган турар жойни К.Абдуллаевдан сотиб олганлигини, олди-сотди шартномаси буйича турар жой жойлашган ер майдони 2084 квадрат метрни ташкил этишини, қушниси М.Акрамов унинг тасарруфида бўлиши лозим бўлган ер майдонига В литердаги иморатни қурганлигини, ушбу иморатга нисбатан М.Акрамовнинг эгалик ҳукуқи туман хокимининг қарори билан эътироф этилганлигини, ҳозирда жавобгар М.Акрамов

унинг тасарруфида булиши лозим булган ер участкасининг ноқонуний равишда эгаллаб турганлигини курсатиб, ҳоқим қарорини қисман беқор қилишни, уни ер участкасида жавобгар томонидан узбошимчалик билан қурилган барча қурилмаларни бузиб ташлашни ҳамда ердан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сураган» деб ёзган ва шу асосда протестни расмийлаштирган.

Ваҳоланки Олий суди раиси уринбосари Исаров фуқаролик ишини назорат тартибида урганиш натижасида протест қиритган бўлса нима учун иш материаллари ичидаги қуйидаги муҳим ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бермади?

Судга жавобгарлар Олтинкул туман Марказий шифохонасининг 29 май 2002 йилдаги 1-сонли маълумотномаси ҳавола қилинган эди. Бу маълумотномада Абдуллаев Комил 1965 йил 10 июндан бошлаб Олтинкул туман рухий касалликлар шифохонасида «Д» хисобда туриши, ташхиси шизофрения эканлиги, 29541-руйхатда туриши, биринчи марта АВРССМда 1965 йил 10 июн кундан 26 июлгача даволангани, 1999 йилдан унга 2-гурӯх ногирони мақоми берилганлиги, 2001 йил 18 феврал вафот этганлиги муносабати билан Олтинкул туман рухий асаб касалликлар шифохонаси «Д» хисобидан чиқарилганлиги ёзилган. 7-243

1999 йил 28 апрелда АВРССМ шифохонасига ётқизиilib 26 майгача даволанганлиги баён қилинган 1420-сонли касалликномадаги беморнинг тиббий баёнида ҳам Абдуллаев Комилга шизофрения ташхиси қуйилганлиги курсатилган.

АВРССМ нинг 6 отделенияси бемори Абдуллаев Комилга берилган «Выпиской эникриз» из п-б.1420 да ҳам қуйидагилар ёзилган.

«Больной Абдуллаев Комил 1933 года рождения. Прож. Алтынкуль. Р-н. К-3 Хакикат вдрв, имеет 2 детей, инв. 2-групп. Поступил 28 апрель-99г. выписан 29 май 1999 г.

Диагноз: Шизофрения наперероснотекущая параноидная форма 295,32.

Поступает повторно в связи с изменением психич. Состояния: не спит ночами, разговаривает сам собой, угрожает соседям, набрасывается на них, беспокойный, ругается с ними.

Из анамнеза душевно болен много лет. На дисп. Учете с 1965 года. Неоднократно лечился стационарно. Песчение болезни приступообразно-прогрессивное. В клинической картине обострений галлюцинозочно-бредовая-симптоматика...

Кон-ция терапевта: ИБС, атеросклероз коронарных сосудов и аорты. Хронический бронхит. Неврогически Атеросклероз сосудов головного мозга. 8-266

Психика: Сознание и ориентировка сохранены, оный фон настроения неустойчивый, легковозбудим, разд ражителен. В беседе доступен, последователен, сообщил, что внутри головы слышны «голоса»иногда «голос» Ленина, Сталина, но содержание их не раскрывает. Бредовы идеи не продуцирует. Внешние неопретен, критика формальная. Обвиняет сноху и сына в том, что они не ухаживают за ним, поэтому он завещал все своё имущество своему племяннику. Сон прерывается перевозжнный...

Выписывается домой в сопровождении дочери для дальнейшего наблюдения по месту жительства уч. Психиатром.

Леч. Врач. Рахимова Д.К.»

Бу эса Абдуллаев Комилни 1999 йил 6 март кўни тузилган олди-сотди шартномасини тузиш даврида рухий касалликлар шифохонасида, кучли назоратда булганлигини тасдиқлайди. Суд Абдуллаев Комилни даволаган даволовчи шифокорларни гувоҳ тариқасида чақириб унинг бу касаллик ҳолатида давлат идораларида сангиб юришига шифохона масъуллари қандай қараганликларини аниқлашлари, айни шифохонада даволанаётган ҳолатида ўзини-ўзи бошқара олган-олмаган булишлигини текшириши шарт эди. 9-262

Васиятномада ҳам, олди-сотди шартномасида ҳам Абдуллаев Комилни муомалага лаёқатлилиги текширилди, у соғлом деган тарзда расмийлаштирилган. Нотариал идора натариуси узининг бу гайриқонуний хатти-харақатлари билан 1997 йил 28 апрелдаги Адлия вазирлигининг хайъати йигилиши қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёти билан шугулланувчи нотариусларнинг нотариал харақатларини амалга ошириш тугрисидаги» қулланмасига зид фаолият юришиб қонунни бузган.

Ушбу кулланманинг 13-моддасида «Нотариал гувоҳлантириладиган барча ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади Фуқаро жисмоний оғирлиги, касаллиги ёки бошқа сабабларга қура битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1124-моддаси талаблари асосида узга фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатини амалга оширишни сураб мурожаат қилган шахс ҳужжатини имзолай олмаслиги қурсатилиши лозим» дейилган.

Ушбу кулланманинг 31-қисмида эса «Нотариусда битим қатнашчиларининг бирининг рухий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида уз ҳаракатларини аҳамиятини тушуна олмайдиган ва айна шу ҳаракатларни бошқара олмаслиги оқибатида уз оиласини оғир моддий аҳволига солиб қуяди деб ҳисоблаш учун асос бўлса, шу фуқаронинг эса муомалага лаёқатсиз деб ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилганлиги тугрисида қарори бор-йўқлигини аниқлайди.» 10 - 290

Агар бундай масала суд томонидан қутарилмаган бўлса, нотариус Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 294-моддасида қурсатилган шахслардан ёки ташкилотлардан бирига узининг таклифи ҳақида хабар қилади. Ёҳуд мустақил равишда мазкур шахснинг муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилганлиги ҳақидаги масалани суд олдига қуяди. Нотариус уз хатида қабул қилинган қарорлар тугрисидаги хабардор қилишини суради. Нотариус ана шу шахс (ташкilot) қабул қилган қарорига қараб ё битимни амалга оширади ёки ишнинг судда қуриб чиқилишига қараб нотариал ҳаракатини амалга оширишни тухтатиб туради» дейилган.

- 282  
Абдуллаев Комил ҳақиқатдан ҳам 1999 йил 28 апрелда рухий касаллиги туфайли келини томонидан шифохонага ётқизилган ва уни 26 майгача у ерда даволаниб, шифокорлар назоратида бўлган. У 28 апрелда шифохонага ётқизилганида мол-мулкни жиянига васият қилганлигини баён қилган. Агар Абдуллаев Комил рухий касалликлари шифохонасига масъул ходимлари томонидан назоратсиз қолдирилиб, нотариал идорага бориб келишга бефарқ қараганларида эди, у мол-мулкни сотиб юборганлигини гапирган булар эди. Бундан ташқари унга уйга жавоб берилаётган пайтида кизининг бошқарувида юборилган ва яшаш жойидаги психиатр врачининг назоратига қуйилган. | Абдуллаев Комил 1965 йилдан буён рухий касалликнинг «шизофрения» тури билан касалланиб бир неча мартаба рухий касалликлар шифохонасида даволанган ва рўйхатда турган. Андижон вилоят рухий асаб касалликлари шифохонаси томонидан Абдуллаев Комилга нисбатан суд психиатрик экспертиза ўтказилиб унинг ҳушасига қура битимларни расмийлаштирган пайтда рухий касалликлар шифохонасида даволанаётган бўлган Абдуллаев Комил соғлом, уз ҳаракатига ўзи жавоб бера олган» дейилган бўлса-да шу касалхонанинг ўзи 2004 йил 30 апрел куни 149-сонли хатида «у касалликдан бутунлай соғайиб кетмайди» деб қурсатган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Яққа тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар буйича суд амалиёти тугрисида»ги 2004 йил 24 сентябрь кунги 14-сонли қарорининг 20 моддасида «Судлар уйнинг олди-сотди, ҳадя ва шу каби шартномаларини ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақидаги низоларни ҳал этишда Фуқаролик Кодексининг битимларни ҳақиқий эмаслигига оид нормаларига амал қилишлари лозим.

Амалда ер участкаси сотилганлигини никоқлаш мақсадида тузилган олди-сотди, ҳадя, уй ижараси шартномалари ва бошқа шартномалар Фуқаролик Кодекси 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган оқибатлар билан ҳақиқий эмас деб топилди.» 12 - 286

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 213-моддасида алдаш, зўрлик ишлатиш, қурқитиш, бир тараф вақилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда қилишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси буйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгани мумкинлиги қурсатилган. Шунингдек ушбу моддада «агар битим юқорида қурсатилган асослардан бирига қура ҳақиқий эмас деб топилса, иккинчи тараф жабрланувчига унинг битим буйича бажарган ҳамма нарсасини қайтариб бериши керак. Бундан ташқари жабрланувчига иккинчи тараф унинг қилган ҳаракатларини, унинг мол-мулкни йўқотилиши натижасида етказилган зарарни тўлайди» дейилган.

- 254  
Фуқаролик Кодексининг 114-моддасида «ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган вақтидан пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир» дейилган. | Даъвогар Алимов Хайрулло 1965 йилдан буён рухий касаллиги учун рўйхатда турувчи Абдуллаев Комилни биринчи оиласидан

100  
Одилжон ва Хабибулло исмли угиллари ва Бахрихон исмли кизи борлигини билгани холда 31 март 1998 йилдан Олтинкул туманида давлат нотариал идораси булгани холда Андижон шаҳар 1-давлат нотариал давлат идорасидан Абдуллаев Комил саводсиз, узидан бошқа ҳеч ким йўқ деган ёлгон маълумотнома тақдим этиб, узининг кайноғаси Дехконов Фазлиддинни ҳолис гувоҳ тарикасида катнаштириб ва Абдуллаев Комил номидан узининг қариндоши Дехконов Фазлиддинга васиятномага имзо чектиргизиб, уз номига васиятнома расмийлаштирган.

14-259  
Алимов Хайрулло Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1142-моддаси талабларига қура васиятномани мазмунидан катъий назар Абдуллаев Комилнинг фарзандларини меросдан ҳисса олиш ҳуқуқи борлигини билгани холда, узининг номидан ҳеч қандай Абдуллаев Комилжонни розилиги ёки ваколатини олмасдан туриб Олтинкул туман БТИсига эғаллик ҳуқуқини тиклаш ҳақида ариза берган. Бу аризага Олтинкул туман Охунбобоев ҚФЙ ни ҳужалик дафтарида бу жойда яшаган фуқаролар ҳақида маълумотнома ва Абдуллаев Комилни ер майдони ҳақида маълумотнома олмасдан Ўзбекистон Республикаси Уй-жойлардан фойдаланиш давлат қумитасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини январ 1998 йилдаги шу жойда яшаган фуқароларни розилигини олиш лозимлигига эътибор қилмасдан, асосий меросхурларни яширган холда БТИ ходимларини шу жойни улчаганида қанча чиккаң булса шу ҳақида 17 апрел 1998 йилдаги 21-сонли далолатномасидан бошқа ҳужжат тақдим қилмасдан ҳокимликни 9 январ 1999 йилдаги 12-К сонли қарорини чикартиришга эришган.

Ушбу ҳолатларга оидинлик киритилмасдан туриб чикарилган протест раёсатда жавобгарларнинг иштирокисиз, уларнинг тушунтиришлари ва қушимча ҳужжатларисиз қурилиб гайриқонуний бир ҳулосага келингандан кейин кейинчалик албатта Олий суди раиси уринбосари Исаровнинг протестини, протестга асосан қабул қилинган қарорни қуллаб қувватланади ва йиллар давомида сарсон саргардон булаётган жавобгарлар Яна адолатсизлик қурбони буладилар.

5-288  
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 92-моддасининг 4 –қисмига асосан фуқаровий, жиноий ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида қурилаётган бошқа иш ҳал қилинмасдан олдин қуришнинг имқони булмаса суд иш юритишни тухтатиб туриши шарт дейилган.

Биз 29 май 2005 йил қуни судья Рохатой Кодировага ва Сизларнинг барчангизга, яъни Фуқаролик ишлари буйича Андижон вилоят суди раисига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш, лавозимларга тавсия этиш олий малака комиссиясига иш юритишни тухтатиб туриш учун ариза бериб телеграмма шаклида юборгандик. Лекин Ушбу қонуний талабнома-телеграммамизга на Рохатой Кодировадан на бошқалардан қонунда белгиланган муддатда жавоб олмадик.

29 май қуни 6657 сум тулаб 5401 рақамли қвитанция Билан телеграмма юборган жавобгарлар қулида Ушбу телеграммани 30 май қуни Фуқаролик ишлари буйича Андижон вилоят судидан имзо чекиб қабул қилиб олганликлари ҳақидаги телеграфни жавоби бизда мавжуд.

**Одил судлов номи Билан иш қуриб қонунларни оёқ ости қилаётган суд амалдорларнинг бу қонунсиз ҳаракатларига чек қуйиш мақсадида қуйидагиларни талаб қиламиз:**

6-292  
1. Республикадаги мустақил газета ҳисобланмиш «Хуррият» газетасининг 2003 йил 11 июнь қунги 23(329)-сонида Журналист суриштируви қуни остида Журналист Илхомжон Эгамназаров ва Андижон вилоят адвокатлар хайъати раиси Мухторжон Холматовларнинг айнан мана шу можоро юзасидан «**КАРОР КАТЪИЙ ЭМАС, ШИКОЯТГА УРИН БОР!.. Судья Қозоқовнинг бир мусикага икки ҳил ракси**» номли танқидий мақоласи Чоп этилган. Унда Ўзбекистондаги Фуқаролик ишлари буйича судларининг қонунларни ҳурмат қилмаслик, қонунларга итоат этмаслик ҳолатлари яққол очиб берилган эди. Лекин Ушбу мақолада қутарилган муаммолар судларнинг саводсизлиги, қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини менсимасликлари туфайли ҳали-хануз бир ечимини тоқгани йўқ, аксинча вазият тобора кескинлашмоқда. Биз «Хуррият» газетаси тахририятидан мавзуга қайтиб мақола Чоп этиш учун судларда катнашишга ва журналистик суриштирувлар утқазишга маҳсус журналистлардан юборишларингизни сураймиз.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маҳсус комиссия тузилиб, комиссия вақиллари бизнинг қулимиздаги мавжуд ҳужжатлар Билан танишиб, суд психиатрик эспертизаси ҳулосасини берган шифокорларни лавозимларидан зудлик Билан четлатишларини талаб қиламиз.

3. Рухий касалликлар шифохонасида ётган бемор Абдуллаев Комилни васиятномада ҳам, олди-сотди шартномасида ҳам муомалага лаёқатлилиги текширилди, у соғлом деган тарзда расмийлаштирилган нотариусларни лицензиясидан махрум қилиш учун Адлия Вазирлигидан махсус комиссия тузишларингизни ва бу комиссия вақиллари бизлар билан учрашишларини кескин талаб қиламиз.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 92-моддасининг 4 –қисмига асосан фуқаровий, жиноий ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида қурилайётган бошқа иш ҳал қилинмасдан олдин қуришнинг имқони бўлмаса суд иш-юритишни тухтатиб туриши шарт дейилган. 17 - 289

Бугунги кунда Ушбу низоли иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси уринбосари К.Исаров келтирган протестига асосан Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Раёсатида назорат тартибида қурилайётганлигини эътиборга олиб, Ушбу ишни атрофлича адолатли қуриб бир якунга келинмагунча Алимов Хайруллони жавобгарлар Арапова Гуёхонни ва Абдуллаев Хабибуллони узбошимчалик билан қурилган иморатни бузиш ва ховли жойдан қучиришлик тугрисидаги даъво аризасини қуриб муҳокама қилиб ҳал қилинмасдан олдин қуришнинг имқони йук.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судидан Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Раёсатида қуриб муҳокама қилинмагунча ФПКнинг 92-моддасининг 4-қисмига асосан фуқаровий ишни тухтатиб туришни такроран талаб қиламиз. Чунки Фуқаролик кодекси, Фуқаролик Процессуал Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан бoғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тугрисида»ги 2004 йил 24 сентябрь кунги 14-сонли қарорига асосан ишни адолатли ҳал қилиш учун Ушбу ишни тухтатиб туришга мажбурсиз. 18 - 264

5. Шунинг учун Ушбу протестни Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Раёсатида қурилайётган пайтида шахсан бизнинг узимизнинг иштирокимизни таъминлашларингизни ва Ушбу гайриқонуний протестга ёзиб топширадиган эътирозномамизни ва бу эътирозномага қушиб раёсатга ҳавола қиладиган ҳужжатларимизни атрофлича танишиб ҳар бир вақтларимиз ва ҳар бир ҳужжатларимизга ҳуқуқий баҳо беришларингизни катъий талаб қиламиз.

6. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Раёсатида жавобгарлар ва барча вақиллари барчамиз шахсан иштирок этишимиз учун қақаришларингизни, Ушбу масалани бизнинг иштирокимизда муҳокама қилишларингизни, ФПКнинг 134 моддаси талабларига бўйсуниб судга уз вақтида етиб қелиш ва ишга тайёрланиш учун етарли вақтга эга бўлишимизни мулжаллаб қақаришларингизни талаб қиламиз: 19 - 219

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш, лавозимларга тавсия этиш олий малақа комиссияси томонидан Ушбу телеграммамизда келтирилган вақтларни атрофлича урганишга хизмат текшируви утқазиш учун махсус комиссия ташкил этишни, Ушбу комиссия вақиллари бизлар билан шахсан суҳбатлашишларини, қулимиздаги мавжуд ҳужжатлар билан танишишларини, қонунни оёқ ости қилган судьялар билан юзлаштиришларини, хизмат текшируви натижасига қура Олий суди раиси уринбосари К.Исаров ва Андижон вилояти судидаги Алимов Хайруллодан манфаатдорлик илинжида қонунларни бузаётган амалдорларига нисбатан интизомий иш қузғаб, уларни хизмат вазифаларидан четлатилишларини талаб қиламиз.

Андижон вилояти Олтинкул тумани Охунбобоев Қишлоқ фуқаролар йиғини Хондибоғ маҳалласида яшовчи Фуқаровий жавобгарлар ва уларнинг қонуний вақиллари: Абдуллаев Хабибулло, Арапова Гуё, Мамаражаб Акрамов, Ёрмуҳаммад Акрамов, Муътабар Тожибоева

20m - 229

02 06472220

Арапов  
Э.Махаммадов